

Агар одамлар азонда

17:45 / 28.02.2018 3061

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар одамлар азонда ва биринчи сафда нима (савоб) борлигини билганларида эди, кейин бунинг учун қуръа ташлашдан бошқа (чора) топа олишмаса, албатта қуръа ташлашарди. (Намозга) эрта боришда нима (савоб) борлигини билганларида эди, бунинг учун мусобақалашарди. Хуфтон ва бомдодда нима (савоб) борлигини билганларида эди, уларга эмакляб бўлса ҳам келишарди», дедилар».

Муттафақун алайҳ.